Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqaro standartlar va zamonaviy tende...

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ОЗОДА МАМАЮНУСОВНА ПАРДАЕВА
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Самарқанд флиалида кафедра мудири, доцент, PhD.

Аннотация. Мазкур мақолада туризмни ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик тизимини такомиллаштириш йўналишларининг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу жараёнда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш орқали туризм хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, маҳаллий ресурслардан унумли фойдаланиш ва оилавий бизнеснинг рақобатбардошлигини кучайтириш масалалари ҳам ёритилган. Тадқиқот натижасида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-услубий, амалий таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: “ақлли туризм”, оилавий тадбиркорлик, рақамли иқтисодиёт, инновация, туризм хизматлари, туризм хизматлари сифати, туризм хизматлари самарадорлиги, рақобатбардошлик.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА

Аннотация. В данной статье проанализированы теоретико-методологические основы направлений совершенствования системы семейного предпринимательства в развитии туризма. Также освещаются вопросы повышения качества и эффективности туристических услуг за счёт эффективного использования цифровых технологий, рационального использования местных ресурсов и усиления конкурентоспособности семейного бизнеса. По результатам исследования разработаны научно-методические и практические предложения и рекомендации, направленные на развитие данной сферы.

Ключевые слова: «умный туризм», семейное предпринимательство, цифровая экономика, инновации, туристические услуги, качество туристических услуг, эффективность туристических услуг, конкурентоспособность.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE SYSTEM OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN TOURISM DEVELOPMENT

Abstract. This article analyzes the theoretical and methodological foundations of improving the system of family entrepreneurship in tourism

Published: 05.06.2026

Cite this article: Озода Мамаюнусовна Пардаева (2026). Туризмни ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Emro Science and Education, 2(2). https://journal.emro.uz/public/maqola/904

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

development. It also highlights issues of enhancing the quality and efficiency of tourism services through the effective use of digital technologies, efficient utilization of local resources, and strengthening the competitiveness of family businesses. Based on the research findings, scientific-methodological and practical proposals and recommendations aimed at developing this sector have been formulated.

Keywords: smart tourism, family entrepreneurship, digital economy, innovation, tourism services, quality of tourism services, efficiency of tourism services, competitiveness.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида туризм соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган, драйвер тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда инновацион равожланиш натижасида рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши “ақлли туризм” тушунчасини ҳам шакллантирди. Бу эса туризм соҳасида янги бизнес моделларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Буларнинг бир йўналиши мазкур соҳада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисоблаади.

Ўзбекистонда ҳам бир томондан туризмни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралса, иккинчи томондан мазкур жараёнда оилавий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини таъминлаш орқали аҳолининг бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қонун қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни[252] қабул қилинган. Шунингдек, бир қанча Фармон ва қарорлар ҳам қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони[253] эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-апрелдаги ПҚ-232-сон “Ички туризм хизматларини диверсификатция қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори[254] ҳам қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда туризм соҳаси иқтисодиётнинг драйвери сифатида ривожланиш лозимлиги қайд этилган. Чунки дунё миқёсида ушбу

[252] Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган.
[253] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6165-сонли Фармони
[254] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-апрелдаги ПҚ-232-сон “Ички туризм хизматларини диверсификатция қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори //ҳттпс://лех.уз/ру/

соҳа мамлакатлар ЯИМнинг салмоқли қисмини ташкил қилади. Туристик хизматлар ҳажмининг ўсиши жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. “2024-йилда халқаро туризмдан тушган даромад 1,6 триллион АҚШ долларини”[255] ташкил қилди. Мазкур соҳанинг “дунё ЯИМидаги улуши 10,3 фоизни, соҳада банд бўлганлар эса 357 миллион нафарни, яъни иш билан таъминланган дунё аҳолисининг 10,6 фоизини ташкил этган”[256]. Алоҳида мамлакатлар бўйича туризмнинг миллий иқтисодиётидаги улуши Испанияда – 14,5%, Туркияда – 12%, БААда – 11,7%, Австрияда – 10,6%, Италияда – 10,5%, Нидерландияда – 9,6%, Канадада – 9,5%, Францияда – 8,8%ни ташкил этган[257]. Бугунги кунда туристик салоҳиятдан самарали ва жадал ривожланиш босқичида. Бундай имкониятлардан фойдаланиш асосида туризмга оилавий тадбиркорликни ҳам жалб қилиб, туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айланишига ҳамда унинг барқарор ривожланишига эришилмоқда. Бироқ, инновацион ривожланиш шароитида туризмни ривожлантиришга қаратилган, айниқса «ақлли туризм» бўйича оилавий тадбиркорлик тизимини комплекс ўрганиш етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли таҳлил, таққослаш, иқтисодий-статистик усуллар, шунингдек, индукция ва дедукция усулларидан ҳам фойдаланилган. Бу усуллар орқали «ақлли туризм» шакллантириш ва ривожлантиришда оилавий тадбиркорликнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Оилавий тадбиркорлик тизими хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг ўрганилган. Хусусан, рақамли иқтисодиёт ва туризм интеграцияси, инновацион хизматлар ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ туризмни рвожлантириш масалалари ҳам илмий тадқиқотларда алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги инновацион иқтисодиёт шароитида «ақлли туризм» оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Шу туфайли ушбу мавзунинг назарий-методологик асосларинп таҳлил қилиш ва бунда «ақлли туризм» тушунчасининг мазмунига алоҳида аҳамият бериш ҳам мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотлар натижасида «Ақлли туризм» бу бевосита ахборот-коммуникация технологиялари асосида туристик хизматларни ташкил этиш ва бошқариш тизими бўлиб, у туристлар учун қулай, тезкор ва

[255] UN World Tourism Barometer, Volume 23, Issue 1. January 2025. Page 3
[256] WTTC Global Travel & Tourism to Reach New Heights in 2025. Available at: https://wttc.org/news/global-traveland-tourism-to-reach-new-heights-in-2025
[257] Raxmonov Shuxrat Shavkatovich. Turistik mahsulotlarni diversifikatsiya qilish orqali turizmni barqaror rivojlantirish Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Avtoreferati. Samarqand – 2026. – 5-б.

самарали хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ҳолатни ифодалайди, деган хулосага келдик..

Булардан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорлик тизимида “ақлли туризм” соҳасини рақамли технологиялар асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, яъни онлайн брон қилиш тизимларини, электрон тўловлар, мобил иловаларни қўллаш натижасида хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали туристик хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилди.

Ҳозирги кунда оилавий тадбиркорликнинг туризмдаги ўрни ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Чунки оилавий тадбиркорлик туризм соҳасида ўсиш даражасига назар соладиган бўлсак, бунинг қуйидаги йўналишларда фаолият юритишини кўриш мумкин. Ҳозир кўпгина шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам меҳмон уйларини ташкил қилмоқда. Бунда асосан миллий таомлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади. Шу жойда гидлик хизматлари ҳам кўрсатилади. Яна бир эътиборли жиҳат, мамлакатимизнинг жуда кўп ҳудудларида милли ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Бу хорижий туристлар учун жуда қизиқарли ҳисобланади. Бундай фаолият турлари аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини диверсификация қилишда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги шароитда замон талабидан келиб чиқиб, “Ақлли туризм” соҳасини ривожлантириш зарурияти ҳам пайдо бўлмоқда. Ушбу соҳанинг ривожланишида рақамли технологияларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки рақамли технологиялар бир қанча қулай имкониятларни яратади. Буларга таркибига ҳозирги кунда ривожланиб келаётган онлайн брон қилиш тизимларининг ривожланиши, электрон тўловларнинг жорий қилиниши, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши, маркетинг ва реклама имкониятларини кенгайтириш масалаларини киритиш мумкин.

Юқфқоридагилардан келиб чиқиб, “Ақилли туризм” категориясининг таърифини ишлаб чиқдик. **Ақилли туризм (Smart tourism), деганда, туристик хизматларни самарали ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантиришга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли платформалар ва инновацион ечимлардан фойдаланган ҳолда тизимли ёндашувлар мажмуаси тушунилади.**

Қисқача қилиб айтганда “Ақилли туризм”да ҳам асосан туристларга хизмат қилинади. Бунда туристлар эҳтиёжларини реал вақт режимида қондириш, хизматлар сифатини ошириш билан бирга туристик ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида рақамли технологияларни, жумладан, мобил иловалар, сенсорлар, сунъий интеллект, катта маълумотларни қўллашга асосланган туризм шакли ҳисобланади.

“Ақилли туризм”нинг асосий хусусиятлари ҳам мавжуд. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

“Ақилли туризм”нинг асосий хусусиятлари ва уларнинг мазмуни

T/p	**“Ақилли туризм”нинг асосий хусусиятлари**	**“Ақилли туризм” асосий хусусиятларининг мазмуни**
1.	Рақамлаштириш	Барча хизматлар онлайн ва автоматлашган бўлади
2.	Интеграция	Транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа хизматлар ўзаро боғланган ҳолда хизматлар занжирини ташкил қилиш
3.	Интерактивлик	Туристлар билан мобил иловалар ва бошқа воситалар орқали доимий алоқа бўлиш
4.	Самарадорлик	Ресурслардан тежамкор ва оқилона фойдаланиш натижасида мувоффақият-ларга эришиш
5.	Шахсийлаштириш	Ҳар бир туристнинг индивидуал эҳтиёжларига мос хизматларни ҳам қилишни ташкил қилиш

Ушбу ждвалда келтирилган “Ақилли туризм” билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш учун малакали мутахассисларни ва тегишли шароитларнинг мавжудлигини талаб қилади. Бироқ, шуни ҳам қайд этиш жоизки, “Ақлли туризм” соҳасини ривожлантиришда айрим муаммолар ва чекловлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг ҳаммасида ҳам рақамли саводхонликнинг етарли эмаслиги, кўп туристик фирмаларда ва ҳудудларда тегишли инфратузилманинг кам ривожланганлиги, кўп ҳолларда соҳани жадал ривожлантириш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, шулар билан бирга маркетинг кўникмаларининг пастлиги ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда..

Бундай ҳолатни инобатга олиб, “Ақлли турим”ни ривожлантириш йўналишларига ҳам эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунга эришиш учун рақамли технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Оилавий тадбиркорлар учун “Ақлли турим”ни ўргатадиган ўқув дастурларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушбу йўналишга имтиёзли кредитлар ажратиш, туристик инфратузилмани ривожлантириш, миллий брендни шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, «ақлли туризм» шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни диверсификация қилиш, аҳоли бандлигини ошириш ва туризм салоҳиятини юксалтиришда муҳим

омил ҳисобланади. Шунинг учун мазкур соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақамли трансформацияни жадаллаштириш зарур бўлмоқда.

Тадқиқот жараёнида бир қанча хулосалара келиш билан бирга, бир қанча хулосларга ҳам келинди. Ушбу хулосаларни ишлаб чиқиш билан бирга бир қанча илмий янгиликларни ҳам яратиш имкониятига эга бўлинди ва бир қанча илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Ақилли туризмни самарали жорий этиш ва ривожлантириш учун комплекс ёндошувни тақозо этади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, рақамли инфратузилмани ривожлантириш лозим бўлади. Бунда **б**арча туристик ҳудудларда юқори тезликдаги интернет (Wi-Fi, 4G/5G)ни таъминлаш билан бирга “Ақилли шаҳар”, “Ақилли ҳудуд” концепцияси асосида сенсорлар ва рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, ягона рақамли платформа яратиш ҳам ўта муҳимдир. Чунки туристлар учун ягона мобил илова ёки веб-портал ишлаб чиқиш уларга анча қулайликлар туғдиради. Унда меҳмонхона, транспорт, гид хизматлари, музейлар ҳақида маълумотларни жамлаш мумкин бўлади. Шунингдек ҳозирги имкониятлардан келиб чиқиб, онлайн брон қилиш ва тўлов имкониятларини кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, катта маълумотлар (Big Data) ва таҳлилдан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Шу йўл билан туристлар оқими, уларнинг қизиқишлари ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва шу асосда хизматларни оптималлаштириш ва маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Тўртинчидан, сунъий интеллект ва инновацияларни жорий этиш ҳам бугунги замона талабига жавоб берадиган тадбирлардан биридир. Бунинг учун чат-ботлар орқали 24/7 маслаҳат хизматларини, AI асосида шахсийлаштирилган маршрутлар таклиф қилиш, VR/AR технологиялари орқали виртуал экскурсиялар ташкил этиш ҳам лозим бўлади.

Бешинчидан, кадрлар салоҳиятини ошириш бугунги кунда ўта муҳим тадбирлардан биридир. Буларни амалга ошириш учун шуларга мос кадрлар билан ҳам таъминлашни унутмаслик лозим. Бунда туризм соҳаси ходимларини рақамли кўникмаларга ўргатиш, IT ва туризм интеграцияси бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам долзарб масалалар сираига киради.

Олтинчидан, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда Давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга ошириш, стартаплар ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳам тизимли равишда давом эттириш лозимдир.

Еттинчидан, туристик хавфсизлик ва маълумот ҳимоясини таъминлаш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун туристлар маълумотларини ҳимоя қилиш тизимларини кучайтириш, Ақилли видеокузатув ва хавфсизлик технологияларини жорий этиш ҳам муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Саккизинчидан, бугунги кунда барча ҳудудларда экологик барқарорликни таъминлаш ҳам долзарб масалалардан биридир. Бунинг учун “Яшил туризм” тамойилларини қўллаш, энергия, сув каби ресурсларни тежаш ва чиқиндиларни камайтириш чораларини ҳам кўриш керак бўлади.

Тўртинчидан, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб, маркетинг ва рақамли тарғиботни кучайтириш ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформаларда фаол рекламаларни уюштириш, туристик брендни шакллантириш ва буни халқаро майдонда илгари суриш ҳам муҳим йўналишлардан ҳисобланади

Хулоса қилиб айтганда, ақилли туризмга эришиш — бу фақат технология жорий этиш эмас, балки бошқарув, кадрлар, инфратузилмаси ва инновацияларни уйғунлаштирган ҳолда тизимли ёндашувни талаб қилар экан. Юқорида келтирилган тавсияларнинг амалиёг жорий қилиниши, мамлакатимизда жадаллик билан амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган макро ва микро даражадаги вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6165-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-апрелдаги ПҚ-232-сон “Ички туризм хизматларини диверсификатция қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори //ҳттпс://лех.уз/ру/
4. UN World Tourism Barometer, Volume 23, Issue 1. January 2025. Page 3
5. WTTC Global Travel & Tourism to Reach New Heights in 2025. Available at: https://wttc.org/news/global-traveland-tourism-to-reach-new-heights-in-2025
6. Raxmonov Shuxrat Shavkatovich. Turistik mahsulotlarni diversifikatsiya qilish orqali turizmni barqaror rivojlantirish Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Avtoreferati. Samarqand – 2026. – 5-б.

7. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Меҳмонхона хўжалиги фаолияти таҳлили. Дарслик. 7-жилд. (Ҳаммуаллифлар; А.Н.Холикулов, А.Қ.Ғаппаров, Ҳ.А.Рахимов, Ҳ.Н.Очилова) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 384 бет.
8. Пардаев М.Қ., ва бошқалар. Туристик корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили. Ўқув қўлланма. 8-жилд. (Ҳаммуаллифлар; И.С.Тухлиев, А.Н.Холикулов, Х.А.Рахимов, А.Қ.Ғаппаров, С.А.Бабаназарова, И.Р.Бердикулова) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2025. 328 бет.
9. Параев М.Қ., Латипов А.Р. Хизмат кўрсатиш соҳасини риввожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда ўзини-ўзи банд қилишнинг стратегик йўналишлари. Монография. Самарқанд, СамИСИ, “STEP-SEL” МСН. - 2025 – 184 бет. – 11,5 б.т.
10. Усманова Д.Х. Совершенствование методологии повышения конкурентоспособности сферы туризма в условиях инновационной экономики. Монография. Самарканд: Издательство СамГУ, 2025. 184 с.
11. Urunbaeva Yu.P. Muzey turizmi. Monografiya. Samarqand, “STEP-SEL” MChJ nashriyoti, 2025. – 238 b.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —